O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3105097

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 5-may • Seshanba • 53 (29.014) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Хотира ва қадрлаш халқимиз маънавиятининг қўш қанотидир.

❖ 9-МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

ЁДИМИЗДА, ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш тадбири ўтказилди.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Ўтганларни хотирлаш, замондошларимизни қадрлаш — халқимизнинг энг эзгу амаллари, фазилатларидан бири. Кексалар ўгитларида аввало кечаги кунга — ўтмишга назар ташлаш, сабоқ олиш, халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни ҳурмат қилиб яшаш зарурлиги бот-бот такрорланади. Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифаларини бир-бир варақлар экансиз, аждодларимиз бошидан кечган не-не суронлар, фожиалар кўз олдингизда гавдаланади. Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган кишилар хотираси олдида таъзим қиламиз.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйиб, ўтганлар руҳига тиловат қилинди.

— Мустақиллик замони, ҳуррият даврида яшаётганимдан бахтиёрман, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Фатҳиддин Муҳиддинов. — Имкониятдан фойдаланиб, биз уруш қатнашчиларига Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

— Бугун шу Хотира майдонини зиёрат қилиб, урушда шаҳид бўлган дўстларим, ёр-биродарларимни бир-бир хотирладим. Улар билан ўтказган олти йиллик заҳматли умрим кўз ўнгимда гавдаланди. Ҳар биринг ёди, номлари мен учун ҳамиша барҳаёт. Бугун 83 ёшимда 3 фарзанд, 10 нафар набира даврасида кексалик гаштини суриб яшаяпман, бугунги тинч, осуда, фаровон замон учун шукроналар айтаман. Набираларимга ҳам хотираларимни сўзлаб бераман. Ахир улар бугунги замонга осонлик билан етиб келмаганимизни билишлари керак.

— Сергели туманида жами 995 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Баҳодир Қурбонов. —980 нафар уруш қатнашчиси ва фронт ортида хизмат қилган отахон-онахонларимиз бор. Уларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турамиз. Партия кенгаши билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказамиз.

— Ногиронлар, нафақа олувчилар бизнинг электоратимиз ҳисобланади, — дейди Сергели туман партия кенгаши раиси ўринбосари Шоира Хўжаева. — Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш бош вазифаларимиз сирасига киради. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан партиямиз фаоллари уруш қатнашчилари ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, пойтахтимизнинг зиёратгоҳ жойларига ташриф уюштириб, ёшлар иштирокида суҳбатлар ташкил этмоқдамиз. Фахрийларимиз бўлган онахону отахонларимизни қадрлаб, ширин сўз билан бўлса-да кўнгилларига нур улашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак жорий йилнинг 10-12 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗЛАРИ

5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан тобора юксалмоқда. Бу Юртбошимиз юритаётган сиёсатнинг, халқимиз азму шижоатининг самараларидир.

Ватанимизни ҳар тарафлама янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир юртдошимиздан юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этади. Бу борада бошқаларга ибрат бўлаётган, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бир қатор давлат мукофотлари жорий этилгани бу борада улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, юртимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонлик кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади.

Ўзбекистон Республикаси парламентининг юқорида қайд этиб ўтилган сессияси қарорига биноан суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимизнинг мазкур олий мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда инсон меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, қадр-қимматини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Мустақиллик. Бу сўз биз учун энг улуғ, энг азиз каломлардан биридир. Гарчи, озодликка эришиб, мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган бўлсак-да, ушбу сўзнинг, тушунчанинг аҳамияти ҳеч қачон камаймайди. Зеро, аждодларимиз Ватан эрки, юрт озодлигини ҳамма нарсадан устун қўйган, бу буюк неъматни кўз қорачиғидек асраш, қўлдан бермаслик учун жон олиб жон берган. Ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидлари — истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири «Мустақиллик» номи билан аталишида катта рамзий маъно бор.

Мазкур орден билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган ҳамюртларимиз мукофотланади.

Истиқлол шарофати билан халқимиз эрки ва Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг номлари қайта тикланиб, хотиралари абадийлаштирилди. Улар қаторида қатағон қурбони бўлган буюк адибларимиз Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон ҳам бор. Президентимиз фармонларига биноан миллий озодлигимиз йўлида кўрсатган матонати ва буюк хизматлари учун Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди.

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек ҳаёт кечирмоқда. Барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун барча шароит яратилган. Миллатлараро тотувлик, дўстлик юртимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилидир.

2-бет

Нукусда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

ЭҲТИРОМ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети санъат саройида ўтказилган хотира кечасида Тошкент ва қўшни вилоятлардан келган таниқли шоирлар, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар шоирнинг ўзига хос бадиий услуби, яратган асарлари, нодир таржималари ва унинг одамийлик фазилатлари тўғрисида гапирди. Кеча адабий мушоира билан якунланди.

Шундан кейин тадбир Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театрида давом эттирилди. Саҳнада шоир сўзларига ёзилган қўшиқ ва драматик асарлардан театрлаштирилган томоша намойиш қилинди.

Бугун Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда Ибройим Юсупов ижодига бағишланган адабий кечалар, мушоиралар давом этмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

ХОРИЖДА ХАРИДОРЛАР ОРТЯПТИ

«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга хорижий мамлакатларда талаб тобора ошиб бормоқда.

Корхона ҳар йили ўртача 1 миллион тонна атрофида аммиак селитрасини қўшни давлатларга экспорт қилаяпти. Шунингдек, корхонада тайёрланаётган сирка кислотаси, нитрон толаси, формалин каби маҳсулотларнинг бозори чаққон. Мазкур кимё маҳсулотлари илгари Россия, Қозоғистон, Қирғизистонга экспорт қилинар эди. Ҳозир улар сафига Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари ва Туркия ҳам қўшилди. Айниқса, Германиянинг «Гурги» фирмаси билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилгач, йилига ўртача 17-18 минг тонна суюлтирилган хлор ва гипохлорид натрий ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда, бу кимёвий бирикманинг 75-80 фоизи хорижга экспорт қилинади.

Музаффар ШАРОПОВ

МАҲАЛЛА АҲЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Полвонтепа маҳалласи Каттақўрғон туманидаги Самарқанд-Бухоро автомагистрали ёқасида жойлашган. Айни пайтда бу ердаги 500 га яқин хонадонда 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Полвонтепаликлар азалдан миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати билан шуғулланиб келишади.

— Маҳалламизда — оилавий тадбиркорлар кўплаб топилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Муродилло Темиров. — Йил бошидан бери маҳаллада қатор ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари бажарилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Полвонтепа маҳалла мақомини олди. Яқинда маҳаллада маиший хизмат кўрсатиш мажмуи иш бошлади. Сартарошхона, алоқа шохобчаси, кийимларни кимёвий тозалаш цехи, суратхона, заргарлик, пойабзал таъмирлаш устахонаси мавжуд. Яна бир эътиборли томони шундаки, 30 нафарга яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Тадбиркор Илҳом Муҳаммадиев эса Италиядан замонавий асбоб-ускуналар келтириб, мевани қайта ишлаш корхонасини ишга туширмоқчи. Унга шу мақсадда банкдан 300 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.

Абдували ХУДОЁРОВ

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИ

ёки юртимиздаги тўкинчилик ва нарх-наво барқарорлиги асослари хусусида

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларда нарх-навони издан чиқариб юборди. АҚШ ва Европада, шунингдек, Осиёда йирик корхона ва банклар бирин-кетин ёпилмоқда, ишсизлар сони ошмоқда, ялпи ички маҳсулот камаймоқда. Бу эса аҳолининг тўлов қобилиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосидаги вазият истеъмолчи ва тайёрловчиларни қаттиқ ташвишга солаяпти. Одамлар вақтинча машина минмаслиги, янги кийим киймаслиги, уйжой сотиб олмаслиги мумкин. Кутса, чидаса бўлади. Аммо, кундалик озиқ-овқат маҳсулотларисиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди.

Хўш, дунёни ўз домига тортаётган иқтисодий инқироз мамлакатимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархига қай даражада таъсир ўтказмоқда?

Аввало, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон дунё молиявий-иқтисодий бозорининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Очиқ сиёсат орқали мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг халқаро иқтисодиёт ва савдо тизимига интеграциялашуви кучайди, республикамиз халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисмига айланди. Шу маънода, Президентимиз таъкидлаганларидек, **«тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди».**

2-бет

✓ ЎзХДП ҳаёти

• КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ ТУЙҒУСИ 2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Иқтисодиёт ва ислоҳот

• «МИКРОКРЕДИТБАНК» ЁРДАМИДА

ёки Бухоро вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида

3-бет

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

• «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

4-бет

ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Дўстлик» ордени Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришган, халқимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фуқароларни мукофотлаш мақсадида таъсис этилган. Қонунда мазкур орден билан мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши белгиланган. Ушбу мукофот соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор.

Давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. 2003 йилда Нукус шаҳрининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашда Нукус шаҳри аҳлининг ҳам хизматлари катта. Мазкур шаҳарнинг тўйи арафасида Президентимизнинг фармонига мувофиқ Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги эзгу орзуниятларимиз рўёбининг муҳим кафолатидир. Шу маънода Ватанимиз тинчлигини, халқимизнинг хотиржам ва осойишта ҳаётини таъминлаш миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари, осойишталигимиз посбонлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу йўлда мардлик ва жасорат кўрсатган инсонларнинг хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасорати учун кўплаб юртдошларимиз «Жасорат» медали билан тақдирланганги бунинг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган юртдошларимиз «Шуҳрат» медали билан тақдирланади.

Ҳозирга қадар юзлаб юртдошларимиз давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларига сазовор бўлди. Бу олий унвонлар, орден ва медаллар Ватан олдидаги улкан хизматлар эътирофи бўлиши баробарида эл-юртимизнинг озодлиги, ифтихори ва буюк келажаги рамзлари ҳамдир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

✓ ЎзХДП ҳаёти

КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ ТУЙҒУСИ

ҳар бир йигит-қиз юрагида жўш урмоғи зарур

Бухоро вилоят партия кенгаши ҳамда Бухоро давлат университети ҳамкорликда «Ёшларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов «Истиқбол» ёшлар қаноти, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётида кечаётган сиёсий жараёндаги иштироки ҳақида батафсил маълумот берди.

— Партиямиз «Истиқбол» ёшлар қаноти 2006 йилда ташкил топган, — деди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Алишер Ҳусанов. — У ўз атрофига 18 дан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ва ғояларимизга хайрихоҳ йигит-қизларни бирлаштиради. Қанотнинг асосий вазифаси — ёшларда ижтимоий ва сиёсий фаолликни ўстириш, Ватанга муҳаббат, эл-юртга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат. Бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Натижада ёшларимизда сиёсий, фуқаролик маданияти, мамлакат истиқболи учун дахлдорлик ҳисси уйғонмоқда.

Давра суҳбатида педагогика ва жисмоний маданият факультети декани ўринбосари Анвар Олимов, талаба Дилдора Кенжаева, Замира Камолова ҳамда бошқалар таълим соҳасидаги ислоҳотлар, уларнинг ижтимоий самараси, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди. Шу билан бирга, Халқ демократик партияси, унинг дастурий мақсадларига бефарқ эмасликларини баён қилдилар.

Давра суҳбати қизиқарли савол-жавоб ва жонли мулоқотга бой бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 5 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1067,85	1 Польша злотийси	442,37
1 Англия фунт стерлинги	2172,92	1 СДР	2177,79
1 Дания кронаси	260,08	1 Туркия лираси	915,98
1 БАА дирхами	395,85	1 Швейцария франки	1281,83
1 АҚШ доллари	1453,85	1 Евро	1936,09
1 Миср фунти	258,32	10 Жанубий Корея вони	11,38
1 Исландия кронаси	11,45	10 Япония иенаси	146,23
1 Канада доллари	1229,99	1 Россия рубли	44,09
1 Хитой юани	213,18	1 Украина гривнаси	188,81
1 Малайзия ринггити	412,09		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИ

ёки юртимиздаги тўкинчилик ва нарх-наво барқарорлиги асослари хусусида

Ўзбекистоннинг экспорт маҳсулотлари бўлган минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, пахта, уран, қимматбаҳо ва рангли металларнинг дунёдаги нархи тушиб бораётгани эътиборга олинса, молиявий инқироз таъсири бизни айланиб ўтмаётгани аён бўлади. Қолаверса, кўплаб чет эллик сармоядорлар турли соҳаларга инвестиция киритгани, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқалар ўрнатилганини эсдан чиқармаслик лозим. Аммо, глобал инқироз ўтган вақт ичида мамлакатимиз аҳолиси турмуш тарзи ва иқтисодиётига кескин салбий таъсир қилмагани хорижий иқтисодчи-таҳлилчилар ва экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бу борада хулоса чиқариш учун мамлакатимиздаги деҳқон бозорларига бир эътибор берайлик, маҳсулотлар нарх-навосини таҳлил қилиб кўрайлик. Чунки, айнан бозор ҳар бир юрт аҳолиси турмушини кўрсатувчи ойна ҳисобланади.

«Денов деҳқон бозори»да эртапишар гилос, қулупнай савдоси авжида, — деб хабар беради мухбиримиз Абдумалик Ҳайдаров. — Бодрингнинг килоси 400-500 сўм. Помидор эса ўртача 800 сўмдан сотилаяпти.

— Кузда бир кило пиёз 150-200 сўм эди, — дейди деҳқон Фозилжон Қурбонов. — Шу йилнинг февраль-март ойларида эса 1000-1500 гача кўтарилди. Эртапишар пиёз чиққандан буён ўртача 500 сўмдан сотаяпмиз. Эртаиндин бундан ҳам арзон бўлади. Картошка ҳам шу баҳода сотилмоқда. Сабзи эса 150-200 сўм.

— Иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ Денов туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, яъни сабзавот ишлаб чиқариш 7.3, полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш 36.1, гўшт ишлаб чиқаришни 10, сут 25, тухум 21 фоизга ошириш чора-тадбирлари белгиланган, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Исмоил Саидаҳмедов. — Бунинг учун жорий йилда лизинг ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 93 та турли русумдаги техника воситалари келтириш бўйича шартномалар тузилган. Шунингдек, 12 та фермер хўжалигида 11,5 гектар иссиқхона ташкил этиш кўзда тутилган. Шу мақсадда тижорат банклари томонидан 1320,0 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилди.

— Ёшим 64 да, — дейди ***Олтинсой туманининг «Лўкка» маҳалласида истиқомат қилувчи Кўчар Жумаев.*** *— Деновга тез-тез келиб тураман. Бозорларимиздаги тўкин-сочинликдан кўнгил тўлади. Рўзғор учун биринчи галда ун, пахта ёғи, гўшт даркор. Ўтган йил қишда бир қоп ун 50 минг сўм бўлганди. Бу йил эса 26-28 минг сўмдан ортгани йўқ. Ҳозир 6-7 минг сўмдан гўшт харид қилиш мумкин. Бозордаги нархнаво бизни қаноатлантиради, албатта...»*

Фарғона вилоятидаги мухбиримиз Муҳаммаджон Обидов «Қува деҳқон бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида олиб борилаётган ишлар хусусида шундай ёзади:

Қувада плёнка остида кўчат ундириб оладиган миришкорлар кўп. Парниклар ривожланган. Шунданми, эртаги бодринг 700-800 сўм, памидори 2-2,5 минг сўм, қулупнай эса 2,5-3 минг сўм. Ҳолбуки, Фарғона ва Марғилонда бу нархлар бирмунча юқори.

— Яқинда бехосдан пиёзнинг нархи 1400-1500 сўмга чиқиб кетганди, — дейди Абдуқодир Абдуллаев. — Мана, қаранг, нарх яна тушди. Пиёз 1000 сўмдан сотиляпти. Бунинг сабаби шуки, бозор қошидаги тайёрлов савдо идораси дарҳол захира омборидаги 70 тонна маҳсулотни сотувга чиқарди.

Атрофдан, пиёз кўп етиштирилган вилоятлардан 25 тонна келтирилди. Шу куниёқ нархлар арзонлашди.

— Биз бу йил 111 та шартнома тузганмиз, шунинг 102 таси деҳқон, фермер хўжаликлари биландир. Улар бизга полиз маҳсулотлари, мева-чева, кўкатлар, гўшт, сут, тухум етказиб беради, — дейди тайёрлов савдо корхонаси раҳбари Аҳмаджон Раҳмонов.

Бугун Қува деҳқон бозорида мол гўштининг бир килоси 5,5-6 минг сўм, қўй гўшти 7-7,5 минг сўм сотиляпти. Фермер-чорвадорлар шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан боқилган қорамол етказиб бериб турибдилар. Ҳали бозор омборларида ўтган йили кузда ғамланган картошка, пиёз, олма каби маҳсулотлар тугагани йўқ. Бу каби саъй-ҳаракатлар пировард натижада бозорлардаги нархларнинг суньий равишда ошиб кетмаслигига замин яратмоқда».

«Бухоро марказий бозорида хоҳлаган маҳсулотингизни кеча-ю кундуз харид қилишингиз мумкин, — деб ёзади мухбиримиз Даврон Баҳронов. — Ҳар бир савдо растасида жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бозорда сабзи-пиёздан тортиб, гўшт, парранда ва балиқ маҳсулотлари нархи арзон.

— Фермер хўжалигимизда қарийб 7000 бош товуқ бор, — дейди ўзини Бухоро туманидаги «Мурғак» фермер хўжалиги аъзоси деб таништирган сотувчи Мушарраф Жумаева — Паррандачилик маҳсулотлари билан «Шехонча» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини таъминлаб, ортганини бозорга олиб чиқаяпмиз. Ёнимизда «Бухоропарранда» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари ҳам сотилади. Тухум ўртача 140-150 сўм, парранда гўшти эса ўртача 2,5 минг сўм.

Гўшт сотиладиган павильонга ўтганимизда бир хорижлик меҳмон чиройли нимталаб қўйилган гўштларга қараб ҳаяжонини яширолмади. У билан танишдик. Швейцариялик сайёҳ Мартин Класс бу ердаги орасталиг-у, мўл-кўлчилик, нарх-навонинг мўътадил ва оммабоплигидан ҳайрон эди.

— Биласизми, — дейди у , — ўлкангизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири сезилмайди. Бизда ҳамма банклар фаолияти издан чиқди, нарх-наво осмонда. Ўзим ветеринар бўлганим учун чорвачиликдаги ютуқларингиз билан қизиқдим. Бухорода бу соҳа тизимли ривожланаётганига амин бўлдим. Шу боис тўкинлик ва арзончилик. Бизда 1 килограмм мол гўшти 38 долларга сотилади. Бухорада эса ўртача 5200-5500 сўм экан.

Биз жамият раиси муовини Жўрақўл Ҳалимов билан расталарни айландик. Картошка (янги ҳосил) 900, пиёз 900-1000 сўм.

— Бир муддат илгари бозорда бу маҳсулотлар тақчиллашиб қолди, шу боис нархи кўтарилди, — деб изоҳ берди ҳамроҳим. — Биз тайёрловсавдо орқали четдан пиёз, Сурхондарёдан картошка олиб келиб нархни пасайтиришга муваффақ бўлдик. Бозоримизда гуруч кўп бўлгани учун нархи 2500-2700 сўм. Балиқ эса 3000 сўм. Хуллас, аҳолини қишин-ёзин арзон маҳсулот билан таъмин этиш борасида анча тажриба тўпладик. Жамоамиз шу ниятда астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу эса инқироз таъсирини пасайтиришга хизмат қилаётир.

Пойтахтимиздаги Қўйлиқ, Чорсу ва Юнусобод деҳқон бозорларидаги нарх-наво билан ҳам қизиқдик. Бундан 2-3 ой илгари нарх-наво қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай. Фақат пиёз, картошка ва гуруч нархида озгина ўсиш сезилган.

— Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, — дейди «Юнусобод деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Дилшод Одилов. *— Йилнинг шу пайтида картошка ва пиёз маҳсулотлари нархида кўтарилиш ҳолати деярли ҳар йили кузатилади. Чунки янги маҳсулот чиқиш арафасида эски маҳсулот камаяди. Ҳозир узилиш пайти. Бунинг устига бу йил баҳорнинг серёғин келиши юқоридаги маҳсулотларнинг пишиши ва қазиб олинишига муайян таъсир ўтказмоқда ва бу нарх-навода ҳам сезилмоқда. Кунлар исиб кетиши билан ҳаммаси жой-жойига тушади, нарх мўътадиллашади.*

Юнусобод деҳқон бозорида янги пиёзнинг ўртача нархи 900-1000 сўм, картошка — 1000 сўм.

Бозорда нархларнинг барқарорлигини таъминлаш учун тумандаги мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Бозор тизимидаги тайёрлов савдо корхонаси орқали йилнинг 1-чорағида 56,8 тонна картошка келтирилиб 700 сўмдан, 21,7 тонна пиёз эса 700-800 сўмдан арзон нархларда сотилиши йўлга қўйилган. Гўшт маҳсулотлари нархидаги барқарорликни таъминлаш мақсадида алоҳида жойлар ажратилган бўлиб, бу ерда маҳсулот сотувчисидан патта пули олинмайди.

Юқоридаги ҳолат пойтахтнинг барча бозорлари учун ҳам хос.

«Тошгайёрловсавдо» уюшмаси маълумотига кўра,пойтахт аҳолисини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлаш, нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, хуллас, жаҳон иқтисодий инқирози шароитида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун аҳолига арзонлаштирилган нархларда маҳсулотлар сотилиши йўлга қўйилган. 2008 йил давомида жами 5 205,6 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан: 1 649,4 тонна картошка, 1 191,3 тонна пиёз, 222,4 тонна сабзи, 150,8 тонна карам, 82,2 тонна гўшт, 32,4 тонна балиқ, 288,6 тонна гуруч ва 588,5 тонна бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиниб, арзонлаштирилган нархларда аҳолига сотилди. 2009 йил учун эса деҳқон бозорлари тизимидаги савдо-харид корхоналари томонидан 11 641 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келтириб сотишга 236 та шартнома тузилди. Шартномаларга асосан жорий йилнинг 1-чорагида жами 781,9 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан: 326 тонна картошка, 154 тонна пиёз, 55 тонна сабзи, 45 тонна карам, 14 тонна гўшт, 11 тонна балиқ, 33 тонна гуруч ва 145 тонна бошқа турдаги маҳсулотлар арзонлаштирилган нархда аҳолига етказиб берилди.

Маълумотда қайд этилишича, савдо-харид корхоналарининг савдо расталари орқали 2009 йилнинг 26 март-28 апрель оралиғида 779,5 тонна пиёз (Сурхондарё вилоятидан) келтириб, арзонлаштирилган нархда савдога чиқарилган. Тизимдаги «Тошкент матлубот савдо» корхонаси томонидан 2008-2009 йил мавсуми учун 1012 тонна картошка, 516 тонна пиёз, 107 тонна сабзи, 53 тонна гуруч ва 51 тонна дуккакли дон маҳсулотлари захирага қўйилиб, 2008 йил декабрь ойидан бошлаб, 2009 йилнинг апрель ойигача деҳқон бозорларининг савдо харид корхоналари орқали пойтахт аҳолисига арзон баҳоларда етказиб берилган.

Бозорларимизда нархнавонинг сезиларли даражада ошгани кузатилмаяпти. Мавжуд нархлар аҳолига оғирлик қилаётгани йўқ. Шу ўринда бир савол устида мулоҳаза юритишга тўғри келади: бозорларимиздаги нарх-наво барқарорлиги яна қандай омилларга асосланган?

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилишида ислоҳотчилик мақомини давлатнинг ўзи зиммасига олди ва шу билан бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган нотўғри қарашларга барҳам берилди. Ваҳоланки, шундай ёндашув тўғрилиги яқинда Лондон шаҳрида ўтказилган дунёнинг энг ривожланган 20 та давлати саммитида қайд этилди ва ўз маромига ташлаб қўйилган бозор жиддий инқироз ҳамда муаммолар келтириши мумкинлиги бугунги иқтисодий инқироз шароитида ўз исботини топмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб бозорларимиздаги гўшт маҳсулотларининг нархида пасайиш бошланди. Илгари мол гўштини 7-8 минг сўмдан харид қилган бўлсангиз, бугунги кунда гўштнинг нархи бозорларимизда ўртача 6-6,5 минг сўмни ташкил қилади. Бу, халқаро экспертлар таъкидлаганидек, аввалдан амалга ошириш бошланган чорвачиликни ривожлантириш дастурининг бугунги кундаги натижаси ҳисобланади.

2006 йилдан 2008 йилга қадар кам таъминланган оилаларга 103 мингдан зиёд қорамол бепул берилди. Бир жиҳатдан бу, бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилалар яшаш даражасининг кескин пасаймаслиги учун қилинган давлат қўллаб-қувватлови ҳисобланса, иккинчи томондан, бозорларимизда гўшт-сут маҳсулотлари нархининг ошиб кетмаслиги йўлидаги чора-тадбир эди. Худди шу мақсадларда 2007 йили қорамол сотиб олиш учун 42,5 миллиард, ўтган йили 48 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани, шу йил биринчи чорагида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали 6146 бош зотдор мол сотилгани, 4992 бош сигир кам таъминланган оилаларга бепул берилгани, қорамол боқувчи фуқароларга меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажи қайд этилиши каби саъй-ҳаракатлар натижаси бугунги гўшт-сут маҳсулотлари нархида ўз аксини топмоқда, десак ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги ислоҳотлар ҳам бугун ўз самарасини бермоқда.

Бугун бозорларимиздаги буғдойнинг нархи 250 сўм атрофида. Ўтган йил бошида бир қоп уннинг нархи ўртача 50-60 минг сўмга чиққан бўлса, бугун бир қоп унни ўртача 24-25 минг сўм атрофида харид қилсангиз бўлади.

Бозорларимиздаги мўл-кўлчилик сабабини қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган комплекс ислоҳотлар, фермер хўжаликларига яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар замиридан изласак ўринли ҳисобланади. Президентимиз шу йил бошида қабул қилган «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида **чорвачиликни, мева-сабзавотчилик ва узумчилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, аҳолини янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш** алоҳида кўрсатилганини ҳам қайд этиш керак. Масалан, шу йилнинг 1-чорагидаёқ мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 27 та янги корхона ташкил этилди. Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида пахта экиладиган ерлар жорий йил 75,8 минг гектарга қисқартирилиши ҳисобидан бошоқли экинлар экиладиган ер майдони 48,8 минг, сабзавот ва картошка экиладиган майдонлар 14,6 минг, ноанъанавий мойли экинлар майдони 12,4 минг гектарга кенгайтирилди.

Хуллас, биз бу кунларга ўзига хос ва ўзига мос тайёргарлик билан келдик. Истиқлол йилларида наинки бозорларимиз, ундаги шарт-шароит ва расталар, балки пештахтадаги ноз-неъматлар, савдо, деҳқончилик ва миришкорлик маданияти ҳам тубдан ўзгарди. Бунинг бир мисоли сифатида қишнинг аёзли кунларида ҳам ҳозиргина узилгандек турган узум ёки помидор-бодрингни эслаш кифоя.

Бозорларимизнинг йил — ўн икки ой тўкин сочинлиги замирида катта меҳнат, турмушимиз фаровон бўлсин, деган эзгу интилишлар мужассам.

Акбар ЖОНУЗОКОВ,
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда)



ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ
ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКСИЗ ЭМАС

Келгуси йил бошида дунё интернет тармоғи ўзидан ахборот ўтказиш қобилиятининг энг юқори чўққисига чиқади. Унга уланувчилар сонининг ортиши эса интернет тармоғида кутилмаган узилишлар ва компьютер фаолияти билан боғлиқ бошқа муаммоларни юзага келтиради.

Агар талаб яна ўсаверса, 2012 йилдан интернет тармоғининг бугунгидек самарали ишлашини таъминлаб бўлмайди.

Британиянинг «Nemertes» технологик-таҳлилий хизмати бу ҳақдаги кузатиш натижаларини эълон қилди.

Уларнинг айтишича, 1989 йилда илк бор фойдаланишга топширилган дунёвий электрон «ўргимчак тўри»нинг ахборот ўтказиш имкониятлари шу пайтгача чексиз, деб қаралган эди. Аммо бугунги кунда бу чексизликнинг ҳам охири борлиги маълум бўлди.

БЕЛОРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ
саммитга бормайди

Белорусия президенти Александр Лукашенко Европа Иттифоқига расмий раислик қилувчи Чехия маъмуриятининг 7 май куни Прагада ўтказиладиган ЕИ саммитига қилган таклифини расмий равишда рад этди. Шундай қилиб, президент саммитга бормайдиган бўлди, аммо ҳукумат аъзоларидан иборат делегация албатта ташриф буюради.

«РосБалт» АА маълум қилишича, ушбу саммитда ЕИнинг «Шарқий ҳамкорлик» дастурини тасдиқлаш назарда тутилган. Ушбу дастурга кўра, ЕИ Арманистон, Озарбойжон, Белорусь, Грузия, Молдова ва Украинага кўмак ажратади.

Маълумки, бир қанча тортишувлардан сўнг Белорусь кўмак олувчилар таркибига киритилганди. Аммо ЕИга раислик қилувчи Чехия раҳбари Вацлав Клаус саммитга Белорусь президенти ҳам таклиф этилганини эшитиб, ажабланган ва у билан кўришмаслигини ҳамда Прагадаги ўз қароргоҳида уни қабул қилмаслигини билдирган эди.

Сабаб: 2008 йил сентябрда Белорусь раҳбарияти Абхазия ва Жанубий Осетия мустақиллигини тан олиши ҳақида баёнот берган. Бу эса ўз навбатида ЕИга ёқмади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда Белорусия ЕИ ва АҚШ босимига дучор бўлмоқда. Ҳатто ЕИ расмий Минск агар Абхазия ва Жанубий Осетия мустақиллигини тан олса, ЕИнинг «Шарқий ҳамкорлик» дастурига Белорусь кирмай қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эди.



Литва парламенти, яъни сейми олий таълимни ислоҳ қилиш тўғрисида қонун қабул қилди.

«Delfi. Lt» АА хабар беришича, эндиликда фақат чуқур билимга эга бўлганлар, олий ўқув юртларида текинга ўқиши мумкин. Ўқиш харажатлари давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Кириш имтиҳонларида юқори балл тўплай олмаганлар эса ўз ҳисобидан контракт пули тўлаб ўқийдилар.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртида давлат бюджети ҳисобига ўқийдиган талаба, маълум соат дарс қолдирса ёки бошқа бирор ножўя ҳаракати билан «қора» рўйхатга тушиб қолса, текинга ўқиш имкониятидан маҳрум этилади.

ТЕКИНГА ЎҚИШ
ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Контракт пули ҳисобига ўқийдиганларга Литва ҳукумати имтиёзли кредитлар ажратилишини ваъда қилмоқда.

Маълумотларга қараганда, давлат бюджети ҳисобидан ўқийдиганлар учун университитетларда 11 мингта, коллежларда эса 10 мингта ўрин ажратилади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг республикага таъсири бюджет харажатларини қисқартиришни талаб этмоқда. Яқин кунларда парламент 3 миллиард лит (1,1 миллиард доллар атрофида) миқдорида қисқартилган бюджет лойиҳасини тасдиқлайди.

ИШСИЗЛИК
ортиб бормоқда

Японияда ишсизлик даражаси жорий йилнинг март ойида 4,4 фоиздан 4,8 фоизга чиқди.

Япония Ички ишлар вазирлигининг статистика бюроси манбаларига асосланиб «Bloomberg» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Шундай қилиб, ишсизлар сони мартда 3,5 миллион кишини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг март ойидагидан 670 мингтага ёки 25 фоизга кўпдир.

ЖССТ ОГОҲЛАНТИРДИ
...саломатлик учун зарарли

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти огоҳлантиришича, электр энергиясини иқтисод қилувчи флуоресценция чироқлари синган пайтда инсон саломатлиги учун зарарли экан. Канада ва Буюк Британия Соғлиқни сақлаш вазирликлари экспертлари огоҳлантирувидан сўнг ЖССТ шундай хулосага келди.

Экспертларнинг айтишича, бундай чироқларда 4-5 миллиграмм миқдорида заҳарли симоб бўлади, бундан ташқари, Қуёшнинг ультрабинафша нури эквивалентига тенг даражада радиация фони ва электромагнит нурларига эга.

«MIGNews.com» сайтидаги ахборотда қайд этилишича, флуоресценция чироғи синса, хона деразаларини тезда очиб, уйдан барча кишилар ва жониворлар (агар мушук ёки ит боқилаётган бўлса) ташқарига чиқиши ва камида 15-20 дақиқа уйни шамоллатиш лозим, токи заҳарли симоб буғи хонадан ташқарига чиқиб кетсин.

Дарвоқе, шуни таъкидлаш лозимки, АҚШ конгресси 2013 йилдан одатдаги чўғланма лампочкалардан воз кечиб, электр энергиясини тежовчи флуоресценция лампочкаларидан фойдаланиш (у электр энергиясини учдан икки қисмга тежайди) тўғрисида қарор қабул қилган.

Февраль ойида Найробида бўлиб ўтган Халқаро энергетика форумида эса таркибида симоб бўлган умумий фойдаланувдаги анжомлардан, яъни инсон ҳароратини ўлчовчи восита(термометр)лардан ва электр ускуналардан фойдаланишни қисқартириш тўғрисидаги декларацияни 140 та давлат вакиллари қўллаб-қувватлаган.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ЁРДАМИДА

ёки Бухоро вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Президентимиз томонидан бундан роппа-роса уч йил олдин, яъни 2006 йилнинг 5 майида имзоланган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонда банк олдига кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолини микромолиявий хизматлардан баҳраманд этиш сингари муҳим вазифалар қўйилган эди.

Ҳозирги кунда «Микрокредитбанк» АТБнинг Бухоро вилояти филиали ўз таркибидаги 7 та туман филиали ҳамда 17 та минибанк орқали салкам ўн бир минг мижозга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Мижозларнинг 3993 нафари жисмоний шахс, 1211 таси хусусий тадбиркор, 3794 таси фермер ва деҳқон хўжаликлари, 2 таси қўшма корхона. Қолганлари эса бошқа турдаги хўжалик субъектларда ҳисобланади. Эътиборлиси, жорий йилнинг биринчи чорагида мижозлар сони йил бошига нисбатан 1395 тага кўпайган.

Айтиш жоизки, банкнинг имтиёзли микролизинг хизматлари кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва микрофирмаларни замонавий техника ва мини-технологиялар билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, Шофиркондаги «Асадбек-Зарчабек олмазори» фермер хўжалиги раҳбари Алишер Асқаров пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да мунтазам равишда ўтказиладиган анъанавий мини-технологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдосига ташриф буюриб, «Микрокредитбанк» билан лизинг хизмати тўғрисида шартнома имзолаган эди. Тез орада фермерга олма ва бошқа меваларни қайта ишлайдиган 6,5 миллион сўмлик технология олиб берилди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган шарбатлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Банк ва мижозлар ўртасидаги бундай ҳамкорлик натижасида иш фаолиятини ривожлантириб олган тадбиркорлар талайгина. Муҳими, бундай жараён туфайли жойларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлаётир, юзлаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Банк филиали томонидан озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш, «мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисидаги қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, наслли қорамол сотиб олиш учун 800 миллион сўм, мева-сабзавот ва қайта ишлаш корхоналарига 100 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилгани шундан далолатдир.

Айни пайтда пластик карточкани муомалада қўллаш тобора оммалашиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, аҳоли пластик карточкани нафақат ҳисоб-китобнинг қулай усули, балки ўз даромадини оширишнинг муҳим воситаси эканлигини ҳам тушуниб етган. Шу боис филиал томонидан уч ой ичида 1200 тадан ортиқ электрон ҳамён — пластик карточка муомалага чиқарилди. Карточка соҳибларига хизмат кўрсатиш учун 95 та терминал ишлаб турибди. Уларнинг 7 таси касса, 88 таси савдо нуқталарига ўрнатилган. Ўтган вақт давомида банк касса терминалларидан 246,44 миллион сўм нақд пул, савдо терминалларидан эса 368,33 миллион сўм пул айланмаси амалга оширилди.

Шунингдек, банк томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ишини ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадида «Банк-мижоз», «СМС-банк» дистанцион хизматлари жорий этилган. Уяли телефон орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи «Мобилбанкнинг» ҳамда «Интернет-банк» хизматлари эса мижозлар учун янада қулайлик яратмоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йили эълон қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ушбу муҳим ҳужжат туфайли тадбиркорларимизга қатор енгилликлар ҳам яратилдики, бу мижозлар сафи кўпайиб боришига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқ аҳли билан ишлаш, қишлоқдаги тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш банкнинг асосий вазифалари сирасига киради. Шу боис банк томонидан Давлат дастурини бажариш йўналишида 1636 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Демак, банк мижозлари сафи янада кенгайиб, ҳамкорлари кўпайиб бораверади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Банк филиали томонидан жорий йил биринчи чорагида кичик бизнес субъектларига 4100 миллион сўм, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 216 миллион сўм, жисмоний шахсларга истеъмол товарлари харид қилиш учун 410,5 миллион сўм чорва моллари сотиб олиш учун 75,8 миллион сўм ҳамда хотин-қиз тадбиркорларга 324,1 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эса 265,9 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

«Жаҳон» бозорида калиш олмоқчи бўлиб расталарни айланиб юрган Қумри хола кўҳликкина қиз ёнидан ўтиб кетолмади.

— Ҳой ширин қиз, менга анави Россиянникидан кўрсатинг.

Сочларини майдалаб, орқасига ташлаган сотувчи ёқимли жилмайди.

— Холажон, бу калишлар ўзимизники.

Харидор усти қопқора, ялтироқ, ичи қирмизи, жунли калишни обдон айлантириб кўрди.

— Буни қаранг, ўзимизники дейсизми, қаерда чиқаяпти экан?

— Куйганёрда, «Руббер Траст» корхонасида.

Беихтиёр Қумри хола қўлларини дуога очди.

— Ўзимизникидан айланай. Илоҳим, шундай калишлар тайёрлаётган фарзандларимизнинг қўли сира дард кўрмасин, бахтли-тахтли бўлишсин.

Бу манзара моҳиятини ҳамма ҳам тушунавермас. Бироқ катта ёшдаги кишилар билишади. Негаки, мустақилликдан илгари шу оддий калиш ҳам анқонинг уруғи эди. Хола айтганидай «тупканинг тагидан олиб келинарди». Мана энди Андижон туманида яшовчи тадбиркор Абдулҳошим Исмоиловнинг саъй-ҳаракати билан водий аҳолисига шу маҳсулот етказиб бериляпти.

— Хомашё, электр қуввати ва бошқа манбалардан тежаб-тергаб фойдаланиб, кунига 7 минг жуфт калиш тайёрлаяпмиз. Бошқа мамлакатларда ишчи ўринлари қисқартирилаётган бир пайтда биз қўшимча 90 та янги иш ўрни яратишга киришдик, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдулазиз Юлдашев.

Мазкур линия бугун-эрта фойдаланишга топширилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Бугун IV «UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO — 2009» халқаро ихтисослаштирилган республика қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдоси ўз ишини бошлайди.

КЎРГАЗМА-САВДО

8 майгача давом этадиган мазкур кўргазма-савдо шубҳасиз, жорий йилнинг энг аҳамиятга молик иқтисодий воқеаларидан бири бўлади. Зеро, муқаддам ўтказилган бундай кўргазмалар фермерларимизда наинки қизиқиш уйғотган, балки фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ускуна ишлаб чиқарувчи хорижий фирма ва компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга, шунингдек, ўзларининг шу каби техникаларини ишлаб чиқариш ва сервис хизмати кўрсатишларини йўлга қўйишга ёрдам берган эди.

Дарвоқе, аввалги кўргазма-савдолар якунларига кўра, умумий қиймати 41,9 млрд. сўм, ёки 2,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 1157 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 27,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 5 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Навбатдаги «UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO — 2009» кўргазма-савдосининг тематик-экспозиция режаси 100 га яқин йўналишни ўз ичига олади.

Кўргазма иш кунларида истеъмолчиларга мини-технология ва ихчам ускуналар сотиб олишдаги жорий молия инструментлари ҳақида батафсил маълумот беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда кўргазмада республика банклари ва лизинг компаниялари вакиллари қатнашадилар. Бундан ташқари, кўргазма доирасида қатор ихтисослаштирилган тематик семинарлар, илғор технологиялар ва замонавий ускуналар тақдимотлари ҳам бўлиб ўтади.

Алишер РЎЗИЕВ

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

тармоқ ускуналарини етказиб бериш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қатнашиш учун буюртманомалар (Банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан кейин 6 календарь кун давомида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чиққан санадан кейин 20 календарь кун ўтгач, соат 17.00 да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй.

«Ўзмиллийбанк» Бош маъмурий биноси.

Телефон: 234-42-86,

Интернет-сайт: **www.nbu.com**

Алоқада бўлувчи шахс: ***Блохина Ольга Леонидовна***

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

9116-СОНЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Иншоот номи	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) сўм	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) сўм	Қурилиш муддати
«Бухоро шаҳрида ҳарбий хизматчилар учун 32 хонадондан иборат уй-жой қурилиши»	3433371468	2861142890	15 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили:
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдорида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада** бўлиб ўтади.

❖ Хотира — муқаддас

БИР ДАРАХТКИ, ИЛДИЗЛАРИ ҚАЛБДАН БОШЛАНАР

Қарши шаҳрида шоҳмот бўйича Фармон Омонов хотирасига бағишланган анъанавий турнир бўлиб ўтди

Инсон умрини дарахтга ўхшатиш азалий гап. Қаршидаги «Қашқадарё соҳили» санаторийсининг бош биноси ҳовлисида туманот одам. Фармон аканинг дўстлари, сафдошлари, фарзандлари, ижодкорлар, матбуот ходимлари... Мусобақа бошланиши олдидан Фармон аканинг инсоний фазилатлари, ташкилотчилиги, партиямиз вилоят Кенгашига раҳбарлик қилган пайтлари хотирланди. Одамларнинг илиқ фикрларини эшитиб, «Бир дарахтки, илдизлари қалбдан бошланар» деган ўй-хаёлимдан ўтади. Агар шундай бўлмаганида, бугун у киши шунчалик ҳурмат-иззат билан хотираланмас эди.

Тадбирга партиямиз Қашқадарё вилоят кенгаши, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, касаба уюшмалари бирлашмаси, Қарши, Касби, Шаҳрисабз туман ҳокимликлари, Қарши давлат университети ҳомийлик қилган. Санаторий бош шифокори, Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Акром Акбаров, Қарши шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов, Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртозаев, меҳнат фахрийси Комил Амиров ва бошқалар хотираларида, Фармон Омоновнинг ибратли умр йўли, ҳаёт мактаби ҳақида сўз юритишди. Фармон Омоновнинг набираси, талаба Лайло Омонова шундай деди:

— Бобожоним ҳалол, пок, меҳнаткаш, меҳрибон, илмли инсон бўлган. У кишига муносиб фарзанд бўлиш масъулияти бизни ҳар доим илм ўрганишга, эл-юртга астойдил хизмат қилишга ундаб туради.

Дамир ЧИГАРЕВ,
вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори:

— Биз кўзи ожизлар Брайль ёзувида битилган китобларни ўқиймиз ва шоҳмотни ҳам махсус тахталарда ўйнаймиз. Агар таъбир жоиз бўлса, қалб кўзимиз очиқ. Ҳозир 100 га яқин кўришдан маҳрум биродарларимиз, жумладан, мен ҳам шоҳмот билан шуғулланаяпмиз ва дунёни англаш, тафаккур юритиш завқини туймоқдамиз.

Акмал ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Қарши политехника коллежи ўқувчиси:

— Яқинда шоҳмот бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасининг финалида иштирок этиб, олий лигага йўлланмани қўлга киритдим. Бу хотира турнирида ўтган йили ҳам қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлгандим. Бу йил ҳам жиддий тайёрландим.

Сарвиноз ЭРГАШЕВА,
Қарши давлат университети талабаси, ёшлар ўртасида 6 карра мамлакат чемпиони:

— Мен туғилиб ўсган Чироқчидаги Қаҳрамон қишлоғида каттаю кичик шоҳмот ўйнашни хуш кўради. Илк мураббийим дадам. Ҳали ўқувчилик пайтимда Испания, Франциядаги мусобақаларда иштирок этдим. Менга ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг ўйин услуби ёқади. Фармон Омонов давлат ва жамоат ишларидан вақт топиб, шоҳмот ўйнашни ёқтирар экан. Бу бежиз эмас. Чунки, шоҳмот теран фикрлашга, ўзлигингни англашга ёрдам беради. Ўтган йили хотира турнирида ғолиб бўлгандим. Бу гал ҳам ҳаракат қилаяпман...

Қизиқарли ўтган баҳсларда Сарвиноз Эргашева, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси Умида Чоршанбиева, Чироқчи қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчиси Нодира Нодиржоновалар қизлар ўртасида пешқадам бўлишди. Ўн олти ёшгача бўлган ўғил болалар орасида Қарши шаҳридаги 26-мактаб ўқувчиси Маъруф Убайдуллаев барчани ортда қолдирди. Фахрийлар ўртасида Қаҳрамон Холмўминов маҳоратли шоҳмотчи эканини исботлади. Мутлақ ғолиблик учун курашда китоблик ўқитувчи Зафар Примов энг юқори натижага эришди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САККИЗИНЧИ ТУРДА

Профессионал футбол лигамизнинг 8-тур ўйинлари бўлиб ўтди: «Шўртан» — «Бунёдкор» — 0:1, «Бухоро» — «Нефтчи» — 1:2, «Локомотив» — «Хоразм» — 2:0, «Пахтакор» — «Динамо» — 4:0, «Навбаҳор» — «Металлург» — 3:0, «Олмалиқ» — «Машъал» — 2:0, «Андижон» — Қизилқум» — 2:1, «Насаф» — «Сўғдиёна» — 3:0.

ЎзА ХАБАРИ

2 май куни Қашқадарё вилоятининг «Ғузор-Чим-Кўкдала» трассасининг 42-километрида йўловчи автобус йўл четида турган экскаватор билан тўқнашиб кетган.

Автоҳалокат натижасида 23 йўловчи ҳалок бўлган, 4 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини аниқлаш учун махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Жабрланганлар ва ҳалок бўлганларнинг қариндошларига тиббий, моддий ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Мазкур факт бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини аниқлаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳукумат комиссияси ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

«АСРЛАР САДОСИ»

АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 1-3 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида «Асрлар садоси» иккинчи анъанавий маданият фестивали ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш ва шу орқали ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, азалий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ғояларини чуқур сингдиришда турли илмий анжуманлар, ижодий кўрик-танловлар, фестивалларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган қатор маърифий-маданий лойиҳалар, фестиваллар, санъат анжуманларидан кўзланган асосий мақсад ҳам халқимизни, хорижлик меҳмонларни бой тарихимиз, миллий маданият ва санъатнинг юксак намуналаридан бахраманд, янгиликлардан бохабар этишдан иборатдир.

«Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шундай лойиҳалар сирасидандир. Ушбу санъат байрамидан кўзланган асосий мақсад фольклор меросини сақлаш, халқ ижодиётини оммалаштириш, бадиий халқ жамоалари ва усталарини қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бебаҳо маданиятини жаҳонга намойиш этишдан иборатдир. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бу йилги тадбир ўзининг илмий-маърифий йўналиши билан алоҳида аҳамият касб этди. Фестиваль тадбирлари доирасида иштирокчилар Тошкент шаҳрининг тарихига оид маълумотлар, археолог олимларнинг янги илмий китоблари билан танишиш, улар иштирокидаги давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, анжуманларда қатнашиш, пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Миллий санъат инъомлари: тарих ва замон» мавзуидаги кўргазмада ёшлар, чет эллик меҳмонлар қадимий маданиятимизга оид нодир осори-атиқалар билан танишиб, таниқли археолог Эдвард Ртвеладзенинг «Марказий Осиё тамаддуни, давлатлари ва маданияти» китобининг тақдимотида қатнащдилар.

— Ўзбекистонда бир марта бўлган киши бу заминга яна келишни орзу қилади, — дейди италиялик дизайнер Оскар Далан. — Негаки, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу диёрнинг тарихи, маданияти, санъати ўзига хос ва бетакрордир. Юртингизда ана шу меросни, қадимий ёдгорликларни ўрганиш, ундан навқирон авлодни бахраманд этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. «Асрлар садоси» фестивалида бу яна бир карра намоён бўлди.

Тадбир доирасида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги қўҳна Қанҳа меъморий-ёдгорлик шаҳарчасида ташкил этилган саёҳат жараёнида, тарихчи ва археолог олимлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқларида қадимий маданият ва санъатнинг ривожланиш тамойиллари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Фестивалнинг кейинги босқичи Бўстонлиқ туманининг Қоранқўл қишлоғида бўлиб ўтди. Яшил тепаликлар, кенгликларда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган бахшилар, фольклор жамоаларнинг, бадиий ҳаваскорлик ансамблларининг, полвонлар, дорбозлар ва халқ цирки усталарининг чиқишлари, миллий либослар фестивали, ёш ижрочилар ва санъат усталари ижросида концерт дастурлари намойиш этилди. Халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси, миллий матолар ярмаркаси, ошпазлар беллашуви каби қизиқарли тадбирлар ташкил этилди.

— «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали мусиқий жамоаларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Хоразм вилоятининг «Хива» фольклор жамоаси бадиий раҳбари Машариф Оллоберганов. — Фестиваль халқ ижодиёти, маънавий мероси миллатимизнинг бебаҳо хазинаси эканини яна бир карра намоён этди. Биз фестиваль учун тайёрлаб келган «Хоразм наволари» номли мусиқий дастуримиз санъат ихлосмандларига манзур бўлганидан жуда мамнунмиз.

Фестиваль якунига кўра, «Энг яхши фольклор жамоалари» номинациясида Қорақалпоғистоннинг «Офарин», Қашқадарё вилоятининг «Момогул», Сурхондарё вилоятининг «Булбулигўё», Сирдарё вилоятининг «Деҳқон болалари», Хоразм вилоятининг «Хива», Самарқанд вилоятининг «Бешқарсак», Тошкент вилоятининг «Шумтака» ва «Чашма» фольклор жамоалари ғолиб бўлди. «Анъаналарни давом эттириш ва халқ амалий санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» номинациясида марғилонлик атлас тўқувчи Фарида Бегалиева, тошкентлик миниатюрачи Баҳодир Ҳожиматов, хоразмлик кулол Одилбек Матчонов ғолиб деб топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдуҳолиқов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолияти учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш йўналишида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали фаол ижодий жамоаларни аниқлаш ва рағбатлантириш, янги ғоя ва ташаббуслар сари ундаш, уларнинг журналистик маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда фестивалнинг асосий номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Улар орасида «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури, «Пойтахт» радиостанцияси ва «Водий овози» жамоатчилик телевидениеси, Бухоро вилоятининг «Истиқлол» телевидениеси, Жиззах телевидениеси ва Марғилоннинг «Рухсор» телерадиостанцияси, Сурхондарё вилоятининг «Ишонч» телевидениеси ва «СТВ» Самарқанд телерадиокомпанияси каби ижодий жамоалар бор.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Беруний туманидаги 18-сонли мактабгача тарбия муассасасида айни пайтда 136 нафар бола тарбияланмоқда. Бу бу ерда кичкинтойларнинг замон талаблари асосида тарбияланишлари учун барча шароит яратилган бўлиб, уларга 12 нафар тарбиячи таълим-тарбия бермоқда. Болалар бу ерда мусиқа чалиш, рақс тушиш, расм чизиш сир-асрорларини ўрганишмоқда. Жисмоний тарбия машқларини бажариб саломатликларини мустаҳкамлашаяпти. Боғча тарбияланувчиларига қўшимча равишда рус ва инглиз тиллари ҳам ўргатилмоқда.

***Суратда:** тарбиячи Ирина Кирилина болалар билан машғулот ўтказаяпти.*

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Муҳтарам юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

янги «КЎКЛАМ» муддатли омонат турини амалиётга жорий қилди.

«Кўклам» муддатли омонатига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада уч ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 28 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Мазкур омонат турига жалб этилган маблағларга белгиланган муддат учун ҳисобланиши лозим бўлган фоиз даромади, мижознинг хоҳишига кўра ҳисобварақ очилган куннинг ўзидаёқ тўланади.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН

Мурожаат учун тел: 150-12-91.

Хизматлар лицензияланган. Лиц №25. 25.01.2003.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda